# Кучч — АДОЛАТДА

2013 йил
7 июн,
жума
№ 23 (432)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.


# "УНИВЕРСИАДА - 2013" СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қадрли ўғил-қизларим!

Муҳтарам устоз ва мураббийлар, ҳурматли меҳмонлар!

Бугун униб-ўсиб, катта ният ва ишонч билан ҳаётга кириб келаётган сиз, азиз фарзандларимни Ўзбекистон ёшларининг ҳаётидаги улкан воқеа — ёшлик, гўзаллик ва спорт байрами бўлмиш "Универсиада - 2013" ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ўлкамиздаги барча спорт мухлислари, миллионлаб ёшларимиз, бутун халқимизнинг диққат-эътиборини бугун ўзига тортаётган бу спорт байрамининг "Кўҳна ва боқий Бухоро" деб ном олган табаррук заминда ўтказилаётгани ушбу тантанага алоҳида маъно-мазмун ва кўтаринки руҳ бағишламоқда, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз "Универсиада" қатнашчилари!

Сизларнинг "Кичик Олимпиада" деб аталган мана шу нуфузли мусобақага қандай кескин кураш ва беллашувлар орқали етиб келганингиз, ўз олдингизга қўйган мақсад йўлида азму шижоат ва қатъият кўрсатиб, олий ўқув юртларида илму фан чўққиларини эгаллаш билан бирга, спорт майдонларида ҳам умидбахш натижаларга эришганингиз, мамлакатимизда ўтказиладиган спорт ўйинларининг энг юқори босқичи бўлган 2013 йилги "Универсиада" финалига чиққанингизнинг ўзи, ҳеч шубҳасиз, ҳар бирингиз ўзингиз танлаган спорт тури бўйича катта ютуқларни қўлга киритганингиздан гувоҳлик беради.

Албатта, бундай юксак марралар ва шоҳсупаларга кўтарилиш учун қанча-қанча ҳаракат, қанча куч-қувват, ирода ва мардлик кераклигини ана шундай ҳолатларни бошидан кечирган ҳар қайси одам ўзига яхши тасаввур қилиши муқаррар.

Бу фикрларнинг тасдиғини қуйидаги рақам ва мисоллар яққол намойиш қилади.

"Универсиада" ўйинларининг саралаш босқичларида иштирок этган қарийб 138 минг талаба орасидан якуний босқичга 1020 нафар қатнашчининг етиб келгани бу мусобақаларнинг миқёси нақадар кенглиги ва уларнинг нечоғли қаттиқ курашлар асосида ўтганини кўрсатади.

Мамлакатимизда олтинчи бор ташкил этилаётган "Универсиада" беллашувларини юқори савияда, уюшқоқлик билан ўтказиш учун аввало жойларда, вилоят ва шаҳарларда зарур шароитлар яратилгани, жумладан, Бухоро шаҳрида ўнлаб муҳташам спорт саройлари ва мажмуалари бунёд этилгани, қарийб 93,5 миллиард сўм маблағ сарфланиб, катта ҳажмдаги қурилиш, реконструкция ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилганини инобатга оладиган бўлсак, ҳар уч йилда ўтказиладиган бу спорт байрамига давлатимиз ва жамиятимиз томонидан қандай улкан эътибор ва аҳамият берилаётгани янада яққол аён бўлади.

Буларнинг барчаси аввалambор сиз, азиз болаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, вояга етаётган фарзандларимизнинг тараққий топган давлатлардаги тенгдошларидан кам бўлмаслиги, улар билан бемалол беллашувга тайёр бўлиши учун, лўнда қилиб айтганда, навқирон ёшларимизнинг халқимиз, Ўзбекистонимизнинг таянчи ва суянчи, биз интилаётган юксак марраларга етиш йўлида ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кириши учун - ана шундай буюк мақсадларга эришиш учун амалга оширилаётганини тушуниш, англаш қийин эмас.

Қадрли фарзандларим!

Халқимиз, жамоатчилигимизга яхши таниш бўлган, ҳаммамизга куч-қувват бағишлайдиган, эртанги кунга ишонч туғдирадиган "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз!" деган олижаноб даъват барчамизни мана шундай гўзал ва бетакрор Ватанимизга меҳр қўйиб, ғурур ва ифтихор билан яшашга чорлайди.

Ҳозирги вақтда миллий спортимиз ифтихорига айланган Ришод Собиров, Аббос Атоев, Рустам Қосимжонов, Оқгул Омонмуродова, Светлана Радзивил, Севара Қодирова, Денис Истомин, Саида Искандарова, Вадим Меньков, Дилшод Мансуров каби ўнлаб истеъдодли ёшларимизнинг спорт оламидаги ютуқлари учун айнан "Универсиада" мусобақалари парвоз майдончаси бўлиб хизмат қилгани яхши маълум. Сизлар ҳам ана шундай моҳир спортчиларимизнинг изидан бориб, келажакда Ватанимиз байроғини жаҳон спорт майдонларида баланд кўтаришингизга барчамиз тилакдошмиз.

Ҳеч шубҳасиз, "Универсиада — 2013" беллашувлари эл-юртимизга хос бўлган ҳалоллик, мардлик ва ўзаро ҳурмат руҳида ўтади, қадимий Бухоро заминида яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг руҳи поклари сизларни қўллаб-қувватлайди, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга атаб юксак талабларга жавоб берадиган замонавий спорт мажмуаларини барпо этган қурувчи ва муҳандисларга, мутасадди ва ҳомий ташкилотларга, бағрикенг, меҳмондўст Бухоро аҳлига ўз номимдан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Азиз ўғил-қизларим!

Барчангизни бағримга босиб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад ҳамиша ёр бўлишини тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳри яна байрам оғушида. Шаҳар иккинчи маротаба ёшлик, баркамоллик, шижоат ва гўзаллик байрами — Универсиада мусобақаларига мезбонлик қилмоқда.**

**"Бухоро" марказий стадионида "Универсиада — 2013" республика спорт мусобақаларининг чорлов садолари янграйди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари саф тортади.**

**Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи М.Эсонов Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабаларининг "Универсиада — 2013" спорт ўйинларини очиқ, деб эълон қилди.**

*Universiada — 2013*



# ЁШЛИК, БАРКАМОЛЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

## Бухорода олий таълим муассасалари талабалари ўртасида "Универсиада — 2013" республика спорт ўйинлари бошланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Универсиада — 2013" спорт ўйинлари иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи кўтарилди.

Универсиада байроғи кўтарилди.

Спортчи ёшлар бўлажак мусобақаларда ҳалол, муросасиз ва мардона кураш олиб бориш ҳақида тантанали сўз бердилар.

Соғлом ва баркамол авлод мамлакатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини, турмушимиз ободлигини таъминловчи қудратли кучдир. Шу боис ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук этиб тарбиялашга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан жорий этилган ва янги педагогик технология сифатида кўплаб давлатларда катта қизиқиш билан ўрганилаётган таълим соҳасидаги уч босқичли спорт ўйинлари - умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари", коллеж ва лицейлар ёшлари ўртасидаги "Баркамол авлод" ва олий ўқув юртлари талабаларининг Универсиада мусобақалари ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз терма жамоаларига иқтидорли спортчиларни тарбиялаш, олимпиячилар захирасини мустаҳкамлаш, ёш иқтидор эгаларига катта спорт сари кенг йўл очишда мазкур тизим муҳим аҳамият касб этаётир. "Умид ниҳоллари"да илк маротаба катта мусобақа ҳавосини олган ёшлар "Баркамол авлод" ўйинларида тажриба ва маҳоратини оширмоқда.

**(Давоми иккинчи бетда)**

*Islohot va samara*

# Ярашув — бағрикенгликнинг амалдаги ифодаси

**Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилишни таъминловчи мустақил суд ҳокимиятини шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.**

Судларнинг ихтисослаштирилгани, апелляция инстанциясининг жорий этилгани, жиноий жазоларнинг либераллаштирилгани, ўлим жазоси бекор қилингани, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилгани суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни янги босқичга кўтаришга мустаҳкам замин яратди.

**(Давоми учинчи бетда)**

*Qonun ko`magi*

# Инсон ҳуқуқлари доимий ҳимояда

**Мустақиллик йилларида миллий қонунчилигимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар асосида такомиллаштирилиши, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир ҳуқуқий механизмнинг яратилгани ва улар ижросининг тўлиқ таъминланаётгани ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш сари одимлаб бораётганимизнинг ёрқин далолатидир.**

**(Давоми иккинчи бетда)**



**Мамлакатимизда ёшлар, айниқса, вояга етмаганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Зотан, юртимиз умумий аҳолисининг қарийб 40 фоизини 18 ёшгача бўлганлар, яъни вояга етмаганлар ташкил этади. Шу боис истиқлол йилларида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий база яратилиб, йилдан-йилга замон талабларига мос равишда такомиллаштирилмоқда.**

*Yangi qonun mohiyati*

# Фарзандликка олишнинг суд тартибида амалга оширилиши

## вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатидир

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 20 мартда қабул қилинган ҳамда Сенат томонидан 2013 йил 28 мартда маъқулланган **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, жисмонан соғлом, маънан етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини оширишга ҳамда оилавий муносабатларда қонунийликни таъминлашда суд идораларининг нуфузини оширишга хизмат қилади.

Мазкур қонун асосида Фуқаролик процессуал кодекси "Фарзандликка олиш" деб номланган янги $31^1$-боб билан тўлдирилиб, фарзандликка олиш жараёнида қонунийликни таъминлашга тўлиқ асос яратилди.

**(Давоми учинчи бетда)**

*Qonun ko`magi*

# Инсон ҳуқуқлари доимий ҳимояда

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари, хусусан, адлия идораларининг Асосий қонунимизда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда улар бузилишининг олдини олишга йўналтирилган фаолияти алоҳида эътиборга молик.

Биргина 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида Қашқадарё вилояти адлия бошқармасининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига фуқаролардан 127 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 92 таси бевосита ўрганиб чиқилди ва 47 таси қаноатлантирилди.

Масалан, Қарши тумани, Бешкент шаҳарчасида яшовчи Д.Қўзиева ишга тиклашга амалий ёрдам беришни сўраб, вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилган.

Мазкур мурожаатни ўрганиш чоғида Қарши тумани ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси бошлиғи томонидан Меҳнат кодексининг айрим талаблари бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланиб, туман ҳокимлигига ушбу қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилди. Пировардида, ушбу тақдимномага асосан инспекция бошлиғининг буйруғи туман ҳокимлигининг фармойиши асосида бекор қилиниб, Д.Қўзиева ўз ишига тикланиши баробарида ходимнинг мажбурий бўш юрган кунлари учун иш ҳақи инспекция томонидан тўлиқ тўлаб берилди.

Шунингдек, Қамаши туманида яшовчи Д.Жўраева фарзанди тарбияси учун ажратилган 2 ёшгача нафақа пули "Жонбуз" маҳалла фуқаролар йиғини раиси томонидан тўхтатиб қўйилгани юзасидан вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилган.

Мурожаатни ўрганиш чоғида "Жонбўз" маҳалла фуқаролар йиғини раиси томонидан Д.Жўраеванинг фарзанди тарбияси учун ажратилган 2 ёшгача нафақа пули ноқонуний равишда тўхтатиб қўйилганлиги аниқланди. Натижада мазкур қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш ва унга йўл қўйган шахсларга тегишли интизомий жазо чорасини кўриш юзасидан Қамаши тумани ҳокимлигига тақдимнома киритилди.

Ушбу тақдимномага асосан Д.Жўраевага фарзанди тарбияси учун ажратилган нафақа пули тўланиши таъминланди ҳамда "Жонбўз" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Х.Лафасов ва унинг котиби Ж.Худоёровга нисбатан "ҳайфсан" интизомий жазо чораси қўлланилди.

Бундан ташқари 2013 йилнинг биринчи чораги мобайнида бўлимга "Ишонч телефонлари" орқали 13 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 9 таси қаноатлантирилди.

Айтиш керакки, бўлим томонидан тегишли судларга жами 18 та, яъни 33.046.000 сўмлик даво аризаси киритилган бўлиб, шундан 14 таси, яъни 19.658.516 сўмлик даъво аризаси қаноатлантирилган.

Жумладан, Нишон тумани, Навбаҳор жамоа хўжалигида яшовчи Т.Бўронов "OZBEKGIDROENERGOQURILISH" ОАЖ "ENERGOISSIQLIKMONTAJ" шўъба корхонасидан иш ҳақини ололмаётганлиги юзасидан адлия бошқармасига мурожаат қилган.

Ўрганиш натижасига кўра, фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судига "OZBEKGIDROENERGOQURILISH" ОАЖ "ENERGOISSIQLIKMONTAJ" шўъба корхонасидан иш ҳақи ва маънавий зарарни ундириш тўғрисида даъво аризаси киритилди. Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро суди томонидан даъво аризаси қаноатлантирилди.

Шунингдек, бўлим томонидан Қашқадарё вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси ва унинг тизимида бўлимга келиб тушган мурожаатлар юзасидан ўтказилган ўрганишлар натижасида бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Мазкур қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва айбдор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли жазо чораларини қўллаш юзасидан 19 та тақдимнома, 6 та маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф (шундан 5 таси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги баённома) ҳамда 2 та огоҳнома киритилди.

Қўлланилган таъсир чоралари натижасида 21 нафар ходим интизомий, 5 нафар ходим маъмурий жавобгарликка тортилди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида дадил одимлар экан, бу борада қонун устуворлигини таъминлаш асосий мезон ҳисобланади. Бу эса, барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар сингари адлия органларининг зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

**Ш.ТОШПЎЛАТОВ,**
*Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи*

*Universiada — 2013*

# Ёшлик, баркамоллик ва гўзаллик байрами




**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Универсиада беллашувларида етук спортчи сифатида шаклланиб, катта спорт майдонларида давлатимиз байроғини баланд кўтармоқда.

Мамлакатимиз талабаларининг 2000 йилда Наманган шаҳрида бўлиб ўтган илк Универсиадасида спортнинг 9 тури бўйича 1712 нафар талаба иштирок этган эди. Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Андижон шаҳарлари мезбонлик қилган кейинги Универсиадаларда ёшларнинг маҳорати ва иқтидори ошиб, иқтидорли спортчилар сафи кенгайиб бораётгани намоён бўлди.

Бу нафақат иштирокчилар сонининг кўпайганида, айни пайтда беллашувлар кескин ва муросасиз ўтишида, медаллар сонининг ортганида, спортчилар кўрсаткич ва рекордларининг йилдан-йилга ошиб бораётганида ҳам яққол кўзга ташланади.

Бокс, эркин ва юнон-рум кураши, дзюдо, шахмат, бадиий гимнастика, оғир атлетика, теннис бўйича яратилган ўзбек спорт мактабларини бутун дунё эътироф этмоқда.

Дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Пекин ва Лондон Олимпиадалари совриндори Ришод Собиров, жаҳон чемпионати совриндори Дилшод Чориев, ўзбек қизлари ўртасида биринчи халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова, Осиё ўйинлари кумуш медали совриндори, ФИДЕ устаси Нодира Нодиржонова, белбоғли кураш бўйича уч карра жаҳон чемпиони Рустам Умаров, енгил атлетика бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Светлана Радзивил, Осиё ўйинлари ғолибаси Юлия Тарасова, сузиш бўйича кўпкарра рекордчилар - Раъно Омонова, Юлдуз Кўчқорова, ўсмирлар ўртасида қитъа чемпионатида ғолиб чиққан бадиий гимнастикачи Азиза Мамажонова каби йигит-қизлар ана шу уч босқичли тизим орқали катта спортга қадам қўйган.

Ўзбекистон спортининг халқаро майдондаги нуфузи юксалаётгани юртимизда жисмоний тарбияни оммалаштириш, болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларда замонавий спорт иншоотларини барпо этиш вазифаси давлат сиёсати даражасига кўтарилгани билан чамбарчас боғлиқ. Бу жараёнда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолияти айниқса самарали бўлмоқда. Жамғарма томонидан ўн йилда 1113 болалар спорти объекти қурилди, фаолият кўрсатаётган 262 спорт иншооти реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Спорт билан мунтазам шуғулланаётган болалар сони 1 миллион 800 минг нафардан ошди. Бу кўрсаткич 2003 йилга нисбатан 1,4 баробар кўпдир.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, спорт ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни дунёга танитишнинг, унинг салоҳиятини намоён этиш, ғурур ва ифтихорини юксалтиришнинг энг самарали ва таъсирчан воситасидир. Инсоннинг шахс сифатида камол топишида, унда кучли ирода, ғалабага интилиш, қийинчиликларни енгиш руҳини тарбиялашда, қалби ва онгига ватанпарварлик туйғуларини сингдиришда спортнинг аҳамияти беқиёс. Болалар спорти — ўзбек спортининг келажаги, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишнинг мустаҳкам пойдеворидир.

...Стадионга сокинлик чўмади. Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтининг қуёш ўчоғидан аланга олдирилган машъалани кўтарган йигит ва қиз майдонга кириб келади.

"Универсиада — 2013" республика спорт ўйинлари машъаласи порлай бошлайди. Машъалани дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Пекин ва Лондон Олимпиадалари совриндори, "Универсиада — 2010" ғолиби Ришод Собиров ва бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпиони, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати Ҳусниябону Ғуломова ёқди.

Бу аланга ёшларимизнинг беғубор интилишлари, Ўзбекистон халқининг озодлик ва истиқлол ғояларига содиқлиги рамзи сифатида олий ўқув юртлари талабаларининг "Универсиада — 2013" мусобақалари давомида порлаб туради.

Халқаро спорт мутахассислари томонидан "Кичик Олимпиада" деб эътироф этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими мусобақалари Олимпия ўйинлари қоида ва талаблари асосида ўтказилади. Универсиада мусобақалари бу йил ҳам 12 спорт тури — баскетбол, волейбол, кураш, белбоғли кураш, дзюдо, енгил атлетика, теннис, стол тенниси, футбол, гандбол, шахмат ва сузиш бўйича ташкил этилмоқда. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудида ўтган кўп босқичли саралаш мусобақаларида ғолиб чиққан йигит-қизлардан таркиб топган 14 терма жамоа қатнашмоқда. Қувонарлиси, уларнинг аксарияти спорт билан мунтазам шуғулланиб, "Умид ниҳоллари" ва "Баркамол авлод" спорт ўйинларида тажриба ва маҳоратини оширган ёшлардир.

Шаҳару қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳолининг ҳаёт даражасини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар Бухоро вилоятида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан 2010 йилда барпо этилган "Бухоро маданий маркази" шаҳарга ташриф буюрган меҳмонларнинг зиёратгоҳига айланди. 107 гектарли бу сўлим масканда вилоят мусиқали драма театрининг янги муҳташам биноси, амфитеатр ҳамда "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументи қад ростлаган. Мазкур обиданинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда оила муқаддас, инсон ҳамиша ўзидан эзгу ном қолдириши керак, деган чуқур фалсафий ғоя мужассам. Монумент ёшларни улар қандай буюк зотларнинг авлоди эканини теран англашга, ота-боболаримизга муносиб фарзанд бўлишга ундаши билан ҳам аҳамиятлидир.

Вилоятда Универсиадага катта тайёргарлик кўрилди. Улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими ўтказилган "Бухоро" спорт мажмуаси қайта таъмирланди, мажмуа стадионига жаҳон талабларига жавоб берадиган йирик ҳажмли электрон табло ва замонавий ёритгичлар ўрнатилди, трибуна ўриндиқлари ва югуриш йўлаклари қопламалари янгиланди.

Бухоро давлат университети ҳамда Муҳандислик-технология институтида янги замонавий спорт зали қурилди. У ердаги футбол, волейбол, баскетбол ва гандбол майдонлари капитал таъмирдан чиқарилиб, ўзига хос спорт маркази барпо этилди. "Дилкушо" теннис кортлари, "Семурғ" ва "Ҳумо" спорт мажмуалари, Бухоро олимпия захиралари ҳамда Нефть-газ коллежлари спорт заллари ҳам тўла таъмирланиб, зарур спорт инвентарлари билан жиҳозланди.

Шаҳар кўчалари ва хиёбонлари ободонлаштирилди. Мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлари яшайдиган талабалар турар жойлари ва меҳмонхоналарда барча зарур шароит яратилди. Бухоро халқаро аэропорти ва темир йўл вокзалида кенг кўламли ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

...Стадионга ёш спортчилар, раққосалар, таниқли эстрада хонандалари кириб келади. Ранго-ранг безаклар, турфа чироқлар байрамга ўзгача файз ва таровот бахш этади. Майдон узра таралаётган шўх мусиқа ёшларни рақсга чорлайди, тантанавор руҳ қалбларга кўчади. Ёшлик ва спорт, гўзаллик ва эзгулик байрами бошланади.

"Универсиада — 2013" беллашувларининг финал босқичи қатнашчилари учун қизиқарли ва кўнгилочар тадбирларга бой катта маданий дастур ҳам тайёрланган. Унда таниқли спортчилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат намояндалари билан учрашувлар, қадимий шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар, турли шоу-концертлар ўтказиш кўзда тутилган.

"Универсиада — 2013" спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросими катта концерт дастури билан якунланди.

Спорт байрамининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**Эркин ЁДГОРОВ,**
*ЎзА махсус мухбирлари*

*Muloqot*

# Газетхон савол беради...

***— Айтинг-чи, қандай жойлар яшаш учун мўлжалланмаган жой ҳисобланади?***

**Ф.МАҲМУДОВ,**
*Кармана тумани*

— Вазирлар Маҳкамасининг **«Кўп квартирали уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»**ги Низомининг 2-бандига мувофиқ, яшаш учун мўлжалланмаган жойларга кўп квартирали уйлардаги фуқаролар яшаши учун мўлжалланмаган қуйидаги алоҳида жойлар тегишли бўлади:

а) уйни қуришда лойиҳаларда кўрсатилган уйнинг ёнига кейин қурилган жойлар;

б) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уйнинг қуйи қаватидаги тураржойдан яшаш учун мўлжалланмаган жойларга ўтказилган жойлар;

в) қайта жиҳозланган ертўла ва ярим ертўла жойлар, техник мақсадларга мўлжалланган жойлар бундан мустасно.

Яшаш учун мўлжалланмаган жойда бошқа уй-жойлардан алоҳида кириладиган эшик, табиий ёритиш ва вентиляция; Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи ёнғинга қарши ҳамда қурилиш қоидаларининг функционал вазифаси ва талабларига мувофиқ жойнинг девори, шифти, поли қопланган, пардозланган бўлиши керак.

**Саволга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.**

*Fuqarolik qonunchiligi*

# Янги очилган

**Мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш йўлида амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар замирида жамиятимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш каби эзгу мақсадлар мужассам.**

Дарҳақиқат, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилган бўлиб, суд ҳокимиятининг мустақиллиги тобора мустаҳкамланиб бораётир. Фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилиб, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Амалдаги қонунларимизда, хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг 310-моддасида фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорларига нисбатан ишда иштирок этувчи шахслар суднинг қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш тўғрисидаги шикоят (ариза) билан қонунда белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган.

Шунинг баробарида, мазкур кодекснинг 40-бобида қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш белгилаб қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Қонун талабига кўра, суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрилиши мумкин.

Ишни янги очилган ҳолат бўйича қайта кўришга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

- аризачиға номаълум бўлган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, лекин иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар;

- суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган ва ноқонуний, асоссиз ёки адолатсиз қарор чиқарилишига сабаб бўлган ҳолатлар, яъни гувоҳнинг била туриб берган ёлғон кўрсатмаси, экспертнинг била туриб берган ёлғон хулосаси, атайин нотўғри қилинган таржима, қалбаки ҳужжатлар ёки ашёвий далиллар;

- суд чиқарган ҳал қилув қарори, ҳукм, ажрим ёки қарорнинг ёхуд шу ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқарилишига сабаб бўлган бошқа органлар қарорининг бекор қилиниши.

Қонунда қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори янги очилган ҳолатлар бўйича шу ҳал қилув қарорини чиқарган суд томонидан қайта кўрилиши, биринчи инстанция суди чиқарган ҳал қилув қарорини ўзгартирган ёки янги ҳал қилув қарори чиқарган апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси судларининг ажрим ва қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳал қилув қарорини ўзгартирган ёки янги ҳал қилув қарори чиқарган суд томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, янги очилган ҳолатлар бўйича ишда иштирок этувчи шахслар ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш учун асос бўладиган ҳолатлар маълум бўлган кундан эътиборан уч ой муддат мобайнида ишни қайта кўриш тўғрисида судга ариза билан мурожаат этишлари мумкин.

Амалдаги қонунчилигимизга мувофиқ, суд янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш тўғрисидаги ишни аризачини ва ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилган ҳолда кўради. Бироқ бу шахсларнинг судда ҳозир бўлмаслиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.

Эътиборлиси шундаки, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани қаноатлантириш тўғрисида суднинг чиқарган ажрими устидан шикоят берилмайди.

Шунингдек, қонунда ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани рад қилиш тўғрисидаги ажрим устидан тегишли тартибда шикоят берилиши ёки протест келтириш мумкинлиги белгиланган.

Бу меъёр Олий суд Пленумининг 2012 йил 25 майдаги **"Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция суди ажримлари тўғрисида"**ги қарорида ҳам эътироф этилиб, қуйи судларга раҳбарий кўрсатмалар берилган.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратсак, даъвогар Н.Нурматовнинг жавобгар Д.Кимсановга (исм-шарифлар ўргартирилган) нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш, жавобгарлар Н.Солиева, Ш.Умрзоқова, Фарғона шаҳар давлат нотариал идорасига, манфаатдор шахс С.Кимсановага нисбатан хонадоннинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги фуқаролик иши юзасидан ишни янги очилган ҳолат бўйича қайта кўриш ҳақидаги Фарғона шаҳар прокурорининг аризаси кўриб чиқилиб, ариза қаноатлантирилди.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Фуқаролик процессуал кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар фуқаролик ишлари бўйича судларда алоҳида тартибда кўриладиган ишлар тоифасига киритилди.

Фуқаролик процессуал кодексининг "Фарзандликка олиш" деб номланган янги $31^1$-бобида фарзандликка олиш тўғрисидаги аризанинг судловлиги масалалари назарда тутилган бўлиб, мазкур кодексда биринчи маротаба судловга тааллуқлиликнинг турдош турига мурожаат қилинганини кўриш мумкин.

Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг $285^1$-моддасига кўра, агар фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мурожаат қилса, ушбу тоифадаги ишлар ҳудудий судловлилик қоидаларига мувофиқ, фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларида кўрилади.

Бироқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилса, ушбу аризалар фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судига, фуқаролик ишлари бўйича вилоят ёки Тошкент шаҳар судига берилади ва бу тоифадаги ишлар ушбу судларнинг судловига тегишли бўлади.

Болани фарзандликка олишга масъулият билан ёндашиш ҳамда ушбу жараёнда қонунийликни таъминлаш мақсадида фуқаролик процессуал қонунчилиги билан болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг бу ҳақдаги аризалари мазмунига бир қатор талаблар белгиланди. Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг "Аризанинг мазмуни" деб номланган $285^2$-моддасига кўра, фарзандликка олиш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак: фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) фамилияси, исми, отасининг исми, уларнинг (унинг) яшаш жойи; фарзандликка олинаётган боланинг фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган санаси, унинг яшаш (турган) жойи, фарзандликка олинаётган боланинг ота-онаси тўғрисидаги, ака-ука ва опа-сингиллари бор-йўқлиги ҳақидаги маълумотлар; фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) фарзандликка олиш ҳақидаги илтимосини асословчи ҳолатлар ва мазкур ҳолатларни тасдиқловчи далиллар; фарзандликка олувчилар (олувчи) боланинг туғилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувига тегишли ўзгартишлар киритишни истаган

*Yangi qonun mohiyati*

# Фарзандликка олишнинг суд тартибида амалга оширилиши

## вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатидир

тақдирда — фарзандликка олинаётган боланинг фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган санасини (кўпи билан бир йилга), фарзандликка олинаётган боланинг туғилган жойини (агар бола кўпи билан ўн ёш бўлса) ўзгартириш ҳақида, боланинг туғилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувига фарзандликка олувчиларни (олувчини) ота-она (ота ёки она) сифатида қайд этиш ҳақидаги илтимос.

Судда ушбу тоифадаги ишларни тўғри ва ўз вақтида кўриш ҳамда ҳал этишни таъминлаш ҳамда бу ҳақидаги аризалар билан мурожаат қилувчи шахсларга қулайлик яратиш мақсадида процессуал қонун билан фарзандликка олиш тўғрисидаги аризаларга илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати белгиланганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Унга кўра, аризага қуйидагилар илова қилинган бўлиши керак: никоҳда турган шахслар (шахс) томонидан фарзандликка олинганда фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномасининг нусхаси; эр-хотиндан бири томонидан фарзандликка олинганда бошқасининг розилиги.

Агар эр-хотин оилавий муносабатларни тугатган, бир йилдан ортиқ бирга яшамаётган бўлса ва эрнинг (хотиннинг) яшаш (турган) жойи номаълум бўлса, шунингдек, бу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса, фарзандликка олишда унинг розилиги талаб қилинмайди; никоҳда турмаган шахс томонидан фарзандликка олинганда — фарзандликка олувчи шахснинг паспорти нусха ва никоҳда турмаслиги ҳақидаги маълумотнома; фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) соғлиғи ҳолати ҳақида тиббий хулоса (психиатрия, сил касаллигига қарши кураш ва наркология муассасалари, шунингдек, ОИТСга қарши кураш марказининг маълумотномалари); фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) иш жойидан эгаллаб турган лавозими ва иш ҳақи тўғрисида маълумотнома ёки бошқа даромад манбалари тўғрисидаги маълумотнома; тураржойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки тураржойдан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат; фуқаро фарзандликка олишга номзод сифатида ҳисобга қўйилганлиги ҳақидаги ҳужжат.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бошқа давлат фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш тўғрисидаги аризасига юқорида қайд этилган ҳужжатлардан ташқари бола қонуний вакилининг розилиги ва бола қайси давлат фуқароси бўлса, ўша давлат ваколатли органининг розилиги илова қилинади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш тўғрисидаги аризасига юқорида кўрсатилган ҳужжатлар, шунингдек, фарзандликка олувчилар қайси давлат фуқароси бўлса, ўша давлат (бола Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан фарзандликка олинаётганда — ушбу шахслар қайси давлатда доимий яшаш жойига эга бўлса, ўша давлат) ваколатли органининг уларнинг яшаш шароитлари ҳақида ва фарзандликка олувчилар бўла олиш имкониятлари ҳақидаги хулосаси, тегишли давлат ваколатли органининг фарзандликка олинаётган боланинг ушбу давлатга кириши ва мазкур давлат ҳудудида доимий яшаши учун рухсатномаси, фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхонаси вакилларига фарзандликка олинган бола ҳақида ахборот бериш ва бола билан мулоқот қилиш имкониятини бериш тўғрисидаги нотариал тасдиқланган мажбурияти илова қилинади.

Чет эл фуқаролари бўлган ёки фуқаролиги бўлмаган фарзандликка олувчи шахслар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар белгиланган тартибда легализация қилиниши ёхуд уларга белгиланган тартибда апостиль қўйилган бўлиши керак. Бунда тақдим этиладиган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат тилига таржима қилинган ва нотариал тасдиқланган бўлиши лозим.

Фуқаролик процессуал кодексининг $285^4$-моддасига кўра, судья ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига фарзандликка олиш асосли эканлиги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида судга хулоса тақдим этиш мажбуриятини юкловчи ажрим чиқаради.

Васийлик ва ҳомийлик органининг бу ҳақдаги хулосасининг асосли бўлишини таъминлаш мақсадида процессуал қонун билан ушбу хулосага қуйидагилар илова қилинган бўлиши зарурлиги белгилаб қўйилди: фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойи ёки фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) яшаш жойи бўйича васийлик ва ҳомийлик органи томонидан тузилган фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) яшаш шароитларини текшириш далолатномаси, шунингдек, фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) яшаш шароитларини текшириш далолатномасида бошқа маълумотлар билан бирга Оила кодексининг 152-моддасида назарда тутилган фарзандликка олиш учун тўсиқлар бор-йўқлиги кўрсатилиши шарт; фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувидан кўчирма; фарзандликка олинаётган боланинг соғлиғи ҳолати, жисмоний ва ақлий ривожланиши ҳақидаги тиббий хулоса; ўн ёшга тўлган фарзандликка олинаётган боланинг фарзандликка олишга, шунингдек, фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилиши мумкинлигига ва фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) унинг ота-онаси (отаси ёки онаси) сифатида қайд этилишига розилиги, Оила кодексининг 156-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; бола ота-онасининг (отасининг ёки онасининг) унинг фарзандликка олинишига розилиги, ота-онанинг ўн олти ёшга тўлмаган боласи фарзандликка олинаётганда эса, ота-она қонуний вакилларининг ҳам розилиги, қонуний вакиллар мавжуд бўлмаган тақдирда эса, васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги, Оила кодексининг 160-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; бола унинг қариндошлари бўлмаган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан фарзандликка олинганда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ва фарзандликка олишга номзодларни ҳисобга олиш бўйича маълумотлар базасида фарзандликка олинаётган бола ҳақидаги маълумотлар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат, шунингдек, болани Ўзбекистон Республикаси фуқаролари оиласига тарбияга олиш ёки боланинг қариндошлари томонидан ушбу қариндошларнинг фуқаролиги ва яшаш жойидан қатъи назар фарзандликка олиниши имконияти мавжуд эмаслигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари сифатида фуқаролик процессуал қонун билан ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳаётига тааллуқли маълумотлар ошкор бўлишига йўл қўймаслик, шунингдек, фарзандликка олиш сири сақланишини таъминлаш мақсадида суднинг асослантирилган ажримига биноан суднинг ёпиқ мажлисида кўрилишини белгиланганлигини кўрсатиш мумкин (Фуқаролик процессуал кодексининг $285^5$-моддаси). Шунингдек, фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларда қонунийликни таъминлаш мақсадида суд ушбу тоифадаги ишларни фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органларининг вакиллари, шунингдек, прокурор албатта, иштирок этган ҳолда кўриб чиқади. Зарур ҳолларда, суд фарзандликка олинаётган боланинг ота-онасини (отасини ёки онасини), унинг қариндошларини ва бошқа манфаатдор шахсларни, шунингдек, ўн ёшга тўлган боланинг ўзини ишда қатнашишга жалб қилиши мумкин.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда, фарзандликка олувчилар (олувчи) ва фарзандликка олинаётган боланинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари фарзандликка олинган боланинг туғилишини ёзиш дафтарига зарур ўзгартишлар киритилган кундан эътиборан белгиланади.

Суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб уч кун ичида ушбу ҳал қилув қароридан кўчирмани фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш идорасига юбориши шарт.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бола ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган мазкур қонун фарзандликка олиш жараёнида қонунийликни кафолатлашда муҳим ўрин тутади.

**Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори*

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Президентимиз ташаббуси билан 2001 йил 29 августда қабул қилинган **"Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги"**ги қонун ярашув тўғрисидаги ишларни юритишнинг алоҳида тартибини белгилаб берди.

*Islohot va samara*

# Ярашув – бағрикенгликнинг амалдаги ифодаси

Ярашув институтининг ўзига хос хусусияти шундаки, белгиланган шартларга риоя қилинган тақдирда, жиноят ишини тугатиш терговва суд идораларининг ҳуқуқи эмас, балки уларнинг процессуал мажбуриятига айланди.

Адашганга тўғри йўл кўрсатиш, йиқилганни суяш, меҳр-оқибат ва бағрикенглик халқимизга хос азалий қадриятлардан саналади. Халқимиз азалдан ҳар қандай келишмовчилик, гина-кудратни муроса йўли билан ҳал этишни афзал билган. Ярашув институтининг афзалликлари хусусида узоқ тўхталиш мумкин. Бунда, аввало, айбдор ўз қилмишининг салбий оқибатини тўлиқ англаб етади ва жабрланувчидан узр сўрайди. Қолаверса, етказилган зарарни тўлиқ қоплайди. Энг муҳими, билиб-билмай ножўя қилмиш содир этган шахс судланган деб ҳисобланмайди. Зотан, жиноят қонунчилигининг бош мақсади шахсни жазолаш эмас, балки уни ахлоқан қайта тарбиялашдан иборат.

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти, туман ва шаҳар судлари томонидан мазкур қонун қабул қилинган кундан 2013 йил 1 январга қадар жами 9610 нафар шахсга нисбатан қўзғатилган 8982 та жиноят иши Жиноят кодексининг $66^1$-моддаси асосида тугатилган. Шуниси қувонарлики, ярашганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод этилганлар орасида такроран жиноятга қўл урганлар деярли учрамайди.

Ярашув институти фақатгина айбдорларнинг эмас, балки жабрланувчиларнинг ҳам қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш имконини беради.

Масалан, Э.Тожимирзаев маҳалладоши М.Деҳқонов билан жанжаллашиб қолади. Э.Тожимирзаев қўшнисининг ҳақоратларидан аччиқланиб, унга ҳаёти учун унча хавфли бўлмаган ўртача оғир даражада шикаст етказади. Кейинчалик эса, Э.Тожимирзаев айбига тўлиқ иқрор ва пушаймон бўлиб, етказилган моддий ва маънавий зарарларни қоплагани ва жабрланувчи билан ярашгани сабабли жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон туман судининг ажрими билан жавобгарликдан озод қилиниб, иш ярашилганлиги муносабати билан тугатилди.

Ярашув институти жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, судланганлик ҳолатини камайтириш, жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг кўпроқ қўлланилишига, шахснинг жамиятда тутган ўрнини сақлаб қолиш билан бирга оиласидаги муҳитга салбий таъсир кўрсатмаслик ва уни жавобгарликка тортиш натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларнинг олдини олишга замин яратди.

Масалан, ака-укалар фарзандлари ўртасида келиб чиққан низога аралашиб, ўзаро жанжаллашиб қолишади. Натижада улардан бири жаҳл устида иккинчисига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказади. Бу бир қарашда оилавий можародек туюлади. Бироқ қонун нуқтаи назаридан бу жиноят деб топилади. Қариндошларнинг судлашуви ёки кимнингдир жавобгарликка тортилиши эса, оила муҳитига, фарзандлар тарбияси ва руҳиятига салбий таъсир ўтказади. Шу боис тарафлар кўпинча ўзаро муроса асосида ярашиб олишади. Ярашув институти жорий қилингач, ярашувнинг қонуний жараёни шаклланди.

Хулоса қилиб айтганда, ярашув туфайли жиноий жавобгарликдан озод қилинган шахслар жамиятда ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетаётганига амалда мисоллар жуда кўп. Шу боис ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш мумкин бўлган жиноятлар тоифасини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

**Маматиброҳим ТЎЛАНОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти суди раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи*

**Истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилиб, ушбу конституциявий тамойилни амалда тўлиқ таъминлашга қаратилган муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.**

# ҳолатлар

## бўйича ишни қайта кўриш тартиби



Иш ҳужжатларига кўра, фуқаролик ишлари бўйича Марғилон туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъвогар Н.Нурматовнинг жавобгар Д.Кимсановга нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий, деб топиш, жавобгарлар Н.Солиева, Ш.Умрзоқова, Фарғона шаҳар давлат нотариал идорасига, манфаатдор шахс С.Кимсановага нисбатан хонадоннинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги даъвоси қаноатлантирилган.

Айтиш керакки, ушбу фуқаролик ишини судда кўриш мобайнида иш бўйича жиноят аломатлари борлиги аниқланган ва Фуқаролик процессуал кодексининг 19-моддасига асосан, бу ҳақида хусусий ажрим чиқарилган.

Жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг ҳукми билан Дилноза Жўрабоева ва Отабек Нусратуллаев Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми а-банди, 228-моддаси 2-қисми б-банди билан айбдор, деб топилган.

Мазкур ҳукм тафсилотига кўра, фуқаролик ишлари бўйича Марғилон туманлараро судининг иш юзасидан чиқарган ҳал қилув қарори ва фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти суди апелляция инстанциясининг ажрим чиқаришига асос бўлган ҳужжатлар, яъни даъво ариза, қўшимча даъво ариза ва бошқа ҳужжатлар қалбакилаштирилиб, улардаги имзолар даъвогар Н.Нурматов томонидан эмас, балки Д.Журабоева томонидан амалга оширилгани ўз исботини топган.

Иш ҳужжатларига кўра, бу ҳолатлар Марғилон шаҳар прокуратурасига ҳам жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг ҳукми чиқарилганидан сўнг маълум бўлганлиги исботланган.

Шу сабабли фуқаролик ишлари бўйича Марғилон туманлараро судининг мазкур иш юзасидан чиқарган ҳал қилув қарори янги очилган ҳолат бўйича бекор қилиниб, иш янгидан кўрилган. Албатта, фуқаровий низоларни бундай тартибда ҳал этиш фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини енгиллаштириш баробарида ортиқча вақт сарфланишининг олдини олади.

Яна мисолларга мурожаат этайлик. Даъвогар Б.Холматовнинг жавобгарлар Х.Тошбоев, Ҳ.Саминовага нисбатан уйдан кўчириш, моддий ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъво аризаси ҳамда қарши даъвогарлар Х.Тошбоев, Ҳ.Саминованинг жавобгар Б.Холматовга нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий, деб топиш ҳақидаги қарши даъво аризаси бўйича фуқаролик иши жавобгар Х.Тошбоевнинг янги очилган ҳолат бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризаси асосида кўриб чиқилган ва ушбу ариза ҳам қаноатлантирилган.

Иш ҳужжатларига кўра, фуқаролик ишлари бўйича Марғилон туманлараро судининг 2009 йил 24 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар Б.Холматовнинг жавобгарлар Х.Тошбоев, Х.Саминовага нисбатан уйдан кўчириш, моддий ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъвоси бўйича даъво аризаси қисман қаноатлантирилган.

Даъвогар Х.Тошбоев, Х.Саминованинг жавобгар Б.Холматовга нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги қарши даъво аризаси рад қилинган.

Суднинг ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолат бўйича бекор қилиб, ишни қайтадан кўриш тўғрисидаги Х.Тошбоевнинг аризасида ҳал қилув қарори чиқариш учун асос бўлган Ёзёвон тумани ҳокимининг 139-сонли ва 115-сонли қарорлари Фарғона вилояти ҳокимининг 106-сонли қарори билан бекор қилингани маълум қилинган ва бу ҳолат ишдаги ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топган.

Шу сабабли фуқаролик ишлари бўйича Марғилон туманлараро судининг ҳал қилув қарори янги очилган ҳолат бўйича бекор қилиниб, иш қайтадан кўрилган.

Хулоса қилиб айтганда, одил судловни амалга ошириш, инсон ҳуқуқларининг устувор ҳимоясини таъминлаш, уларнинг манфаатларини муҳофаза қилишда фуқаролик процессининг бошқа институтлари сингари янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўриш институти ҳам муҳим ўрин тутади. Ушбу институт фуқароларнинг беҳуда вақт сарфлашларининг олдини олиши билан бирга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳам муносиб муҳофаза қилиш имконини бермоқда.

**Абдуҳалим АҲМЕДОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг раиси*

*Saboq*

# Шахснинг шаъни ва қадр-қиммати

## унга дахл қилиш қонуний жавобгарликка сабаб бўлади

Айтиш жоизки, шаън ва қадр-қиммат шахснинг жамиятдаги ўрни, мавқеини белгилаб берувчи омилдир. Шу боис инсоннинг шаъни, қадр-қимматини камситиш ахлоқ-одоб қоидаларига мутлақо зид бўлиб, ҳуқуққа хилоф қилмиш саналади. Хусусан, шахсни ноҳақ ҳақоратлаш ёки унга туҳмат қилганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларида жавобгарлик белгилаб қўйилган. Айтайлик, туҳмат, яъни ёлғонлигини била туриб, шахсни обрўсизлантирадиган, уни камситадиган уйдирмаларни тарқатганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддасига кўра, жавобгарликка тортилади. Бунда, албатта, маълумотларнинг уйдирма ва ёлғондан иборатлиги суд томонидан аниқланади ва қонуний баҳо берилади. Зотан, шахснинг нафсониятига тегадиган ҳар қандай ёлғон маълумот унинг ишчанлик фаолиятига путур етказиши, оила, маҳалла аҳли ва ҳамкасблари орасида обрўйининг тўкилишига сабаб бўлиши мумкин.

(Давоми тўртинчи бетда)

*Turmush chorrahalarida*

# Ота-оналик бурчи

## уни адо этиш фарзанд камолига хизмат қилади

**Оила жамиятнинг ажралмас ва узвий қисми бўлгани боис уни асраб-авайлаш ҳамда муҳофазалаш энг устувор вазифалардан биридир. Зотан, аҳил ва ҳамжиҳат оилаларда оқил фарзандлар камол топишини эътиборга олсак, оиланинг мустаҳкамлигини таъминлаш ҳар бир ота-онанинг зиммасидаги муқаддас бурч саналади.**

Шаҳрисабзлик (исм-шарифлар ўзгартирилган) Улуғбек маҳалладоши Дилафрўзга кўнгил қўйиб уйланди. Тўй тадоригини кўраётган икки ёш қонуний никоҳдан ўтишни негадир ортга суришди, ота-оналар ҳам бунга бефарқ қарашди. Тўйдан сўнг бир муддат тинч-тотув яшаган эр-хотин ўртасида бора-бора ножоиз гап-сўзлар, беҳуда рашк авж олиб, ўзаро ҳурмат йўқолди.

Қавму қариндошлар, маҳалла кайвонилари ҳам эр-хотинни муросага келтиришолмади. Ахийри, Дилафрўз оғироёқ бўлишига қарамай, ота хонадонига қайтишга мажбур бўлди. Орадан кўп ўтмай уларнинг фарзанди Орзубек дунёга келди. Қонуний никоҳдан ўтишмагани туфайли чақалоққа туғилганлик тўғрисида гувоҳнома олиш чоғида қатор муаммолар юзага келди. Улуғбек ўз фарзандига нисбатан оталикни тан олишни истамади. Ноилож қолган Дилафрўз фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, фарзанди Орзубекка нисбатан Улуғбек Абдуқаюмовнинг оталигини белгилашни сўради. Суд ишни атрофлича муҳокама этиб, тарафлар ҳамда гувоҳларнинг фикрларини тинглаб, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантиришни, яъни 2009 йил 8 декабрда туғилган Орзубекка Улуғбек Абдуқаюмовнинг оталигини белгилашни лозим топди.

Яна бир мисол. Китоб туманида истиқомат қилувчи Вазира Маҳмаризоева ҳамда Фурқат Сатторов ҳам қонуний никоҳдан ўтмасдан оила қурганди. Аввал-бошданоқ пойдевори мустаҳкам бўлмаган оиланинг тез орада низодан боши чиқмай қолди. Вазира ҳам ота-онасиникига қайтиб келди. Бу орада фарзанди Асалбону туғилди. Бироқ Фурқат ўз зурриёдига нисбатан оталикни тан олмай, унга қонуний ҳужжат олишни истамади. Қонуний никоҳлари қайд этилмагани боис ноилож қолган Вазира фарзандини ўзининг номига ўтказишга мажбур бўлди.

Яқинда Вазира Маҳмаризоева фарзанди Асалбонуга нисбатан жавобгар Фурқат Сатторовнинг оталигини белгилаш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилди.

Суд даъвогарнинг даъво талабларини ўрганиб чиқиб, уни қаноатлантиришни лозим, деб топди. Зеро, Оила кодексининг 62-моддасида "Ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилган тақдирда, ота-онанинг биргаликдаги аризаси ёки бола отасининг аризаси бўлмаса, ушбу кодекснинг 61-моддасида кўрсатилган ҳолларда оталик суд тартибида белгиланиши мумкин.

Оталикни суд тартибида белгилаш ота-онадан бирининг ёки боланинг васийси (ҳомийси)нинг ёхуд бола кимнинг қарамоғида бўлса, шу шахснинг аризасига, шунингдек, бола вояга етганидан кейин унинг ўзи берган аризага мувофиқ амалга оширилади.

Оталикни белгилаётганда суд боланинг онаси бола туғилишига қадар жавобгар билан бирга яшаганлиги ва умумий рўзғор юритганлиги ёки улар болани биргаликда тарбиялаганликлари ёхуд таъминлаб турганликларини ёки жавобгарнинг оталикни тан олганлигини аниқ тасдиқловчи бошқа далилларни эътиборга олади.

Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган, лекин ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс вафот этган тақдирда унинг оталик факти суд томонидан белгиланиши мумкин", дея қайд этилган.

Суд ушбу модда талабларидан келиб чиқиб, Вазира Маҳмаризоеванинг 2012 йил 16 январда туғилган фарзанди Асалбонуга нисбатан жавобгар Фурқат Сатторовнинг оталигини белгилаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Шунингдек, ҳар икки даъвогарга келгусида фарзандларининг моддий таъминоти учун жавобгарлардан алимент ундириш тўғрисида судга алоҳида мурожаат этиш ҳуқуқи тушунтирилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, оиланинг мустаҳкамлигини таъминловчи омиллардан бири қонуний никоҳдан ўтиб оила қуриш ҳисобланади. Шунда оила мустаҳкам, фарзандлар тўлақонли шароитда вояга етади.

**Аҳмадали ЖЎРАЕВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманлараро суди раиси вазифасини бажарувчи.*
**Абдунаби БОБОЁРОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

**Халқимизда "Бўладиган бола бошидан маълум" деган нақл бор. Дарҳақиқат, ҳар бир кишидаги истеъдод, қобилият ва лаёқат болаликданоқ яққол кўзга ташланади. Шунингдек, ҳаётда бошқа болалар ўйинчоқларга кўмилиб, болалик гаштини сураётган бир пайтда айрим миттивойлар китоб ёзиш, симфониялар яратиш ва ҳатто университет талабасига айланишга муваффақ бўлгани ҳар бир кишини ҳайратга солмай қолмайди. Қуйида ана шундай ноёб қобилиятли кичкинтойлар ҳақида ҳикоя қиламиз.**

*G'aroyib olam*

# Биз билган ва билмаган дунё




Масалан, ҳиндистонлик Акрит Йасуал дунёдаги энг ёш шифокор деган номга сазовор бўлган. У беш ёшидаёқ одам анатомиясини мукаммал билган ва Шекспир асарларини мароқ билан мутолаа қилган. Етти ёшида эса, у ўзининг илк жарроҳлик амалиётини ўтказган. Гап шундаки, маҳаллий шифохона дўхтирлари боланинг тиббиётга бўлган қизиқишини кўриб, унга жарроҳлик амалиётларини кузатиб боришга рухсат беришган. Кунларнинг бирида дўхтирга тўлаш учун маблағи бўлмаган ота қизини операция қилишини ундан илтимос қилади. Акрит операция қилишга рози бўлган ва бемор тез орада тузалиб кетган.

Болакай юқори интеллект коэффициентига эга бўлиб, бу кўрсаткич 146 пунктни ташкил этади. Қиёсан айтиш мумкинки, оддий одамнинг кўрсаткичи 85-100 пункт атрофида бўлади. Айни пайтда Акрит Йасуал тиббиёт университетининг талабаси бўлиб, саратон касаллигига даъво топиш мақсадида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Айтишларича, Пабло Пикассо расм чизишни гапиришдан олдин ўрганган экан. У ҳали оёққа турмасдан қўлига мўйқалам олиб, ўзининг илк асарларини яратган. Шу билан бир қаторда ўн икки ёшли Пабло Пикассо табиатни шу қадар моҳирона тасвирлай олганки, замонасининг энг илғор мусаввирлари ҳам унинг маҳоратига тан берган. Рассомлар санъат мактабига одатда бир неча ой давомида топширадиган кириш имтиҳонларини Пикассо бир кунда топширишга муваффақ бўлган. 16 ёшида унинг биринчи катта кўргазмаси ташкил этилиб, 20 ёшида эса, у дунёга машҳур мусаввирга айланган.

Вольфганг Амадеус Моцарт дунё тарихидаги нафақат буюк бастакорлардан бири, балки машҳур вундеркиндлар сирасига киритилган иқтидор эгаси ҳисобланади. У 4 ёшида фортепьяно чалган, 5 ёшида ўзининг биринчи мусиқа асарини яратган. 8 ёшида Моцарт ўзининг илк симфониясини тамомлаб, мусиқа тарихига ўз номини муҳрлаб қўйган.

XIX аср ўрталарида яшаб ўтган Окита Содзи ноёб ақл соҳиби бўлмаса-да, унинг маҳорати бошқа соҳада намоён бўлган. Уни қиличбозликда ҳеч ким енга олмаган. У тўққиз ёшида замонасининг устомон қиличбозларидан бири эди. 12 ёшида у Япониянинг энг моҳир қиличбозини мағлуб этади. 18 ёшида эса, ўз қиличбозлик мактабини яратиб, моҳирлик, чаққонлик ва довюраклик рамзларидан бирига айланади.

Кореялик Ким Унг Йонг эса, дунёдаги энг юқори ақл кўрсаткичига эга. Унинг интеллект коэффициенти 210 пунктни ташкил этади. Болакай 3 ёшида физика факультетига қабул қилиниб, 6 ёшда университетни тамомлаган. 7 ёшга киргач, уни АҚШнинг Аэрокосмик тадқиқотлар агентлиги (НАСА) га ишга таклиф қилишади. 15 ёшида у физика фанлари доктори унвонига сазовор бўлган.

Келажаги ёрқин эканлигига қарамай, Ким 17 ёшида ватанига қайтиб келади ва ҳозирда ўзи туғилган шаҳарнинг олий ўқув юртларидан бирида ўзи тенги ёшларга ва катталарга фан сирларидан сабоқ бермоқда.

Айтишларича, XIX асрда яшаб ўтган Уильям Сайдис исмли киши энг ақлли шахслардан бири бўлган. Унинг ақл кўрсаткичи 250-300 пунктни ташкил этган. АҚШда туғилган бу болакай бир ярим ёшдаёқ ўқишни ўрганган. 8 ёшида у тўртта китобни ёзиб тугатган ва 7 тилда бемалол сўзлашган. 7 ёшида у Гарвард университетининг тиббиёт факультетига муваффақиятли имтиҳон топширган. Аммо ёши етмаганлиги сабабли уни ўқишга қабул қилишмаган. Бироқ Сайдис 11 ёшга тўлганида университетга қабул қилинади. Натижада Уильям 20 ёшга етмасданоқ профессор унвонига сазовор бўлган. Ўз ҳаёти давомида у математика, космология, одам анатомияси бўйича бир қатор қимматли асарларни ёзиб қолдирган.

Қирол Фредерик IV салтанатига олмониялик иқтидорли бола — Любек Кристин Генрих меҳмонга келиб, барчани ҳайратда қолдирган эди. Гап шундаки, машҳур рассомнинг фарзанди бўлган Кристин 9 ойлигидаёқ гапира бошлаган. Яна бир йил ўтгач, қадимда ҳукмронлик қилган барча подшолар тарихини осонликча ўзлаштирган.

Кристин кейинчалик жуғрофияда ўз қобилиятини синаб кўрди. 4 ёшли олим Даниянинг бир неча харитасини чизган.

**Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.**

*Saboq*

# Шахснинг шаъни ва қадр-қиммати

## унга дахл қилиш қонуний жавобгарликка сабаб бўлади

**(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)**

Шу боисдан ҳам бундай қилмишни биринчи марта содир этган шахсга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан олтмиш бараваригача миқдорда жарима жазоси тайинланади.

Агар шахс маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг бир йил мобайнида такроран шундай қилмишни содир этса, айбдор жиноий жавобгарликка тортилади. Жиноят ишлари бўйича Чортоқ тумани судида кўрилган жиноят иши фикримизга далил бўла олади. Судланувчи Ҳамид Абдиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) собиқ куёви Т.Буваевни қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганликда ноҳақ айблаб, унга нисбатан туҳмат қилган.

Гарчанд судланувчи суд мажлисида ўз айбига иқрор бўлмасдан, собиқ куёви Т.Буваев ҳамда мансабдор шахс Н.Акбаровга туҳмат қилмаганини баён этсада, унинг айби гувоҳларнинг кўрсатмалари ва ишда тўпланган ҳамда суд мажлисида текширилган далиллар ёрдамида ўз исботини топди.

Суд ишни атрофлича кўриб чиқиб, Ҳ.Абдиевни Жиноят кодексининг 139-моддаси 3-қисми "а", "г" бандларида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбдор, деб топди ва унга нисбатан қонуний жазо тайинлади.

Ачинарлиси шундаки, Ҳ.Абдиев бир неча йилдан буён давом этиб келаётган шахсий адоват туфайли ғараз ва паст ниятларни кўзлаб собиқ куёви Т.Буваев ва мансабдор шахс Н.Акбаровни обрўсизлантирадиган ёлғон уйдирмаларни тарқатишдан заррача уялмаган. Ваҳоланки, Ҳамид Абдиев ёшларга тўғри йўл кўрсатадиган, уларга оғир-вазмин, мулоҳазали бўлишни ўргатадиган ёшга аллақачон етган, аниқроқ айтганда, 67 ёшни қоралаган, 5 нафар фарзанднинг отаси.

Суд айбдорга нисбатан жазо тайинлашда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **"Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"**ги қарорининг 37-бандидаги раҳбарий тушунтиришларга риоя қилди. Аниқроқ айтганда, қонунчилигимиздаги бағрикенглик тамойили Ҳ.Абдиевга ҳам татбиқ этилиб, унга нисбатан қонунда белгиланганидан ҳам енгилроқ жазо тайинланди. Фақат Ҳ.Абдиев бундан тўғри хулоса чиқариб олиши, бундай ножўя қилмишларни такроран содир этмаслиги лозим.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, қонунчилигимизда инсон шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият сифатида эътироф этилган. Шу боис ҳар бир шахс ўзгаларнинг ана шу дахлсиз ҳуқуқларини ҳурмат қилиши зарур. Шунда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳити вужудга келади ва турли кўнгилсизликларга ўрин қолмайди

**Р.ТОШМАТОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Пахтаобод тумани судининг раиси*
**Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

*Jinoyatga jazo muqarrar*

# Такси қулайлик ва тезкорлик омили

## халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилади




**Аввало шуни айтиш керакки, транспорт инфратузилмасининг ривожлангани мамлакат тараққиётини белгиловчи муҳим омилларидан биридир.**

Айтиш жоизки, бу борада мамлакатимизда ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги "Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори фуқароларга бир қатор қулайликлар яратиш билан бирга уларнинг хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур қарорнинг қабул қилиниши юртимизда транспорт инфратузилмасини янада ривожлантиришда муҳим қадам бўлди.

Мазкур қарорга мувофиқ, йўловчилар ташиш учун мўлжалланган йўналишсиз таксиларни бошқаришга ҳайдовчилик гувоҳномасида "В" рухсат белгиси бўлган 21 ёшга тўлган, тиббий кўрикдан ўтган ва камида уч йиллик ҳайдовчилик меҳнат тажрибасига эга бўлган шахслар қабул қилинади. Қарорга кўра, йўналишсиз такси сифатида йўловчиларни ташиш билан шуғулланувчи енгил автомобиллар ташқи ва ички жиҳозланиш бўйича ягона белгиларнинг мавжудлиги талабларига жавоб бериши шарт.

Таксиларда ҳисоблагич (таксометр)нинг ўрнатилиши, автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қоидалари белгиланган талаб даражасида бўлиши, шунингдек, тўловнинг банкпластик карточкаларидан қабул қилиб олиш учун ҳисоб-китоб терминалининг мавжудлиги айнан фуқароларнинг манфаатларини кўзлайди.

Афсуски, ҳаётда қонун талабларига риоя қилмасдан ўзларининг шахсий машиналарида киракашлик қиладиган шахслар ҳам учраб туради. Давлат солиқ инспекцияси ва йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари томонидан ўтказилган тадбирларда ноқонуний, яъни лицензия олмасдан такси хизмати кўрсатаётган кимсалар аниқланди. 2013 йилнинг апрель ойида ўзбошимчалик билан киракашлик қилган Х.Раҳимов, У.Алимардонов, Э.Мардаевларга нисбатан маъмурий иш қўзғатилиб, туман суди томонидан кўриб чиқилди.

Қайд этиш жоизки, ноқонуний тарзда такси хизмати кўрсатганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $176^3$-моддасида фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан юз баравааригача, мансабдор шахсларга эллик бараваридан юз эллик бараваригача миқдорида жарима солиниши белгилаб қўйилган.

Шунга кўра, Х.Раҳимов, У.Алимардонов, Э.Мардаевлар ушбу модда билан айбдор деб топилиб, уларга тегишли жазо чоралари қўлланилди. Уларнинг оилавий шароити, оилада ягона боқувчи эканлиги, ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этганлиги ҳисобга олиниб, жазо чоралари енгиллаштирилди.

Хулоса қилиб айтганда, такси хизматининг тартибга солиниши тизимда қонунийликни таъминлаш билан бир қаторда аҳолига кенг қулайликлар яратди. Бу ўз навбатида, ушбу соҳада юртимизда халқаро андозалар талаблари даражасида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилганини кўрсатади.

**Зуфар НАРЗИЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Сариосиё тумани судининг раиси*

**КУЧ—АДОЛАТДА**

*МУАССИС:*
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

*Бош муҳаррир:*
**Шодиқул ҲАМРОЕВ**

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

*ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:*
Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАХМОНОВ
Боқижон ЯХЁЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.**
**E-mail: kuch-adolatda@mail.ru**
**Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56**

Буюртма: Г-616. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6893.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 21⁰⁰ Топширилди: 02⁰⁰